

САМАРҚАНД БҮЙЛАБ САЁҲАТ

“Ер ресурсларини бошқариш” факультети 312-гурух талабалари гурух мураббийи Ш. Р. Исмонов бошчилигига 22-сентябрь якшанба куни Мамалакатимизнинг кўхна ва улуғ шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрига саёҳат ўюштиришди. Саёҳат Ислом дунёсининг энг улуғ ҳадисшунос олими бўлган Имом Ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишдан бошланди. У ерда талабалар ўзлари учун қизиқ бўлган маълумотларни олишди. Сўнгра буюк Амир Темур бобомизнинг мақбараларини зиёрат қилинди. Шу билан бирга машҳур Регистон майдони, Бибихоним мадрасаларига ҳам ташриф буюрилди. Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг мақбараларини зиёрат қилишни олдимиизга асосий мақсад қилиб олганимиз ва ушбу мақсадимизга эришганимизни алоҳида эътироф этишимиз лозим. Ислом Каримов бобомизнинг ҳақларига Қуръон тиловатлар ва дуолар қилганимиз талабаларнинг руҳиятига ўзгача кўтаринкилик ва хурсандчилик олиб келди. Шундай кўтаринки кайфиятда саёҳатни Ҳазрати Ҳизр ва Шоҳи Зинда зиёратгоҳларини зиёрат қилиш билан давом эттиридик. Саёҳат сўнгидаги эса Буюк математик ва астроном олим Мирзо Улуғбек бобомизнинг расадхоналарини ўз кўзимиз билан кўриш ва танишиш билан якунладик. Талабалар саёҳатдан ўзларига ажойиб таассуротлар олган ҳолда пойтахтга қайтишди. Ўйлайманки, ушбу қилинган саёҳат талабалар хотирасида доимо сақланиб қолади.



“Давлат кадастрлари” кафедраси стажёр-ўқитувчиси Шукуриллохон Исмонов ахбороти

Институт матбуот хизмати раҳбари Р. Жуманиёзов